

Мовароуннахр ва Хуросонда маданият, адабиёт, халқ хўжалиги соҳаларининг турли тармоқларида Соҳибкирон Амир Темур ҳазратлари олиб борган оламшумул ободончиликларни жуда кўп гапирамиз. Бобокалонимизнинг фармо-йишлари билан қурилган мухташам биною мадрасалар, қарвон йўлларини катта-катта кўприклар, маданий-маиший обидалар ҳамда кўплаб шаҳарларда ул зотдан ёдгорлик бўлиб қолган боғу роғлар ҳақида адибларимиз, салоҳиятли ёзувчию олимларимиз ўз асарларида ҳикоя қилганлар.

Соҳибкирон ҳазратларининг бунёдкорлик йўлида қилган ишлари унинг авлодларига анъана бўлиб қолди. Бу анъанадан буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам четда қолмаган. Бобур вафотидан кейин қарийб беш аср вақт ўтишига қарамай, Бобуршоҳ ҳазратлари ва унинг авлодларидан қолган тарихий ва маданий мерос ханузгача жаҳон халқларини ҳайратга солиб келмоқда.

Бобур ҳазратларининг қадамлари етган жойда, албатта, битта из қолган. Шулардан бири Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида бунёд этилган ажойиб, таровати бетакрор боғ - «Боғи Бобур»дир.

Бобур Қобулга қадам ранжида қилар экан, бу ернинг об-ҳавоси, иқлими, бепоён яйловлари, шифобахш сувлари ул зотни ҳайратда қолдиргани «Бобурнома» асарида такрор-такрор қайд қилинган. Мазкур боғдаги етти иқлимдан келтирилган анвойи гуллар, меваги ва манзарали дарахтлар ханузгача пойтахт шаҳарнинг кўрки бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда «Боғи Бобур» сайилгоҳ бўлиб, давлат, жамоатчилик томонидан ўтказиладиган оммавий анжуманлар марказига айланган. Бобуршоҳ ҳаётлик даврида «Боғи Истолиб», «Боғи Наврўзий», «Бўстонсарой», «Чорбоғ», «Боғи Беҳиштий», «Боғи Нур», «Боғи Хилват» каби ажойиб, бетакрор боғларни бунёд этган. Шуниси ажабланарлики, Қобулнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, бу боғларда анвойи гуллар, меваги ва манзарали дарахтлар қисман такрорланган бўлса-да, аммо айрим жиҳатлари билан кескин фарқ қилган. Яъни, боғларнинг бири аксарият меваги дарахт-лардан ташкил топса, бошқаси анвойи гуллар билан безатилган. Шунингдек, бу боғларга Мовароуннахрдан Қуванинг туятиш анори, Баҳмалнинг қирмизи олмаси, Қонибодомнинг обиноввот ўриги, Олтиарикнинг ҳусайни узуми, Самарқанднинг анжири келтириб ўтказилган. Бундай боғларнинг жумласига «Боғи Шаҳраро» (кейинчалик бу боғнинг номи бобурийзода Нуриддин Жаҳонгиршоҳ (1605-1625 й.) томонидан «Боғу илму Ганжа» - Ганж илми боғи деб ўзгартирилган), «Боғи Жиловхона», «Ўртабоғ», «Боғи Суръат», «Боғи Моҳтоб»ларни мисол келтиришимиз мумкин. Афсуски, бу боғларнинг аксарияти ҳозирги кунда ёзма манбалардагина қолган.

«Боғи Бобур»нинг тоғ ён бағрига туташган шарқ тарафида, ул зотнинг фармониға мувофиқ, 1508 йилда «Тахти Бобур» қўшқи қурилган бўлиб, у ердаги тарошланган тошларга қуйидаги жумла ўйиб ёзилган: «Тахтгоҳи олампаҳо Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибни Умаршайх Қўрагон халладуллоҳи мулки фис сана 887 хижрий» (Мазмуни: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибни Умаршайх Қўрагон олампаҳо тахти мулки санаси 887 хижрий йил).

Бундан ташкари, Кобулдаги «Балоисор» касри ҳам Бобуршоҳ томонидан курилган бўлиб, кейинчалик унинг ўгли Мирзо Комрон томонидан таъмирланган, ҳозирги кунгача унинг харобалари етиб келган, холос. Валиаҳд шахзода Мирзо Хумоюн Насриддин 1508 йилда ана шу касрда таваллуд топганлиги тарихий ҳужжатларда қайд этилган. Жалолобод шаҳри ҳам шахсан Бобуршоҳнинг ташаббуси билан «Боги Сафо» билан безатилган. Бобуршоҳ 1508 йилда валиаҳд фарзанд тугилиши шарафига Одинапур шаҳрида «Боги Вафо» деб номланган боғни бунёд қилганлар. Бу боғдаги гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар, асосан, Моварауннахрдан келтирилган бўлиб, ул зот бу ҳақда «она юртимни эслатиб турсин деб ният қилдим» деган эканлар. Бобуршоҳ ҳар галги сафари олдидан ана шу боғда зиёфатлар, ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик юзасидан машваратлар ўтказган. Бобуршоҳ 1506 йилда Кандаҳор шаҳрида «Чорбоги Кандаҳори», ундан сўнг шу манзилда «Боги Чорбоғ» боғини бунёд қилганлар. Бу боғ Арганбоб дарёсининг қирғоғида жойлашган бўлиб, ханузгача гўзаллиги, таровати билан барчани ўзига махлиё қилиб келади.

Кандаҳор шаҳрида саксонта сангтарош тўққиз йил тошларга ишлов бериб, «Кирк зина» ансамблини барпо этган. Бу тошларга Бобуршоҳ ва унинг зурриёдлари Мирзо Хумоюн, Мирзо Комрон, Мирзо Аскарӣ, Мирзо Хиндолларнинг исмлари ўйиб ёзилган. 1542 йили Акбаршоҳ таваллуд топиши билан, Мирзо Хумоюннинг амрига мувофиқ, унинг исми ҳам қўшиб ўйдирилган.

1598 йилда Акбаршоҳ бу тошларга қўшимча равишда ўз фарзандларининг исмларини ёздирган.

Бобур Кобулда умргузаронлик қилган давр шаҳарнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият қасб этган. Афғонистоннинг атоқли олими Устод Али Аҳмади Қўҳзод «Балоисори Кобул ва унинг тарихий оқимлари» номли тарихий асарида Бобур ва Кобул шаҳри тўғрисида қуйидаги жумлани келтиради: «Кобулда Бобурнинг эзгу-ниятлари амалга ошди ва Кобулга меҳр-муҳаббати тушди, шу нуктаи-назардан бу масканни обод, қўркам бўлишига ҳеч қандай меҳнат ва маблағларни аямади. Шунинг учун пойтахтни ва ўз қўли билан яратган боғни ҳеч қайси бир фарзандига мерос сифатида қолдирмади, шаҳар ва боғ абадий унинг тасарруфида эканлигини такрор-такрор таъкидлаб қетди».

Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида Бобур вафотидан олдин фарзандларига ўз хоқини Кобулда, ўзи яратган боғда дафн этишни васият қилди. Бу унинг Кобулга бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббатини исботловчи далилларида биридир. Бобуршоҳнинг жасадини валиаҳд амирзода Мирзо Хумоюн филлар қарвонида Кобулга келтириб, ўзи васият қилган бокка дафн қилди. Мовароуннахрлик меъморлар Бобур қабрига сағана, устига қўшқ айвон бунёд этишди. Мирзо Хумоюн Кобул дарёсидан бокка сув келтириш иншоотларини қурдириб, олампаҳо ҳоқи дафн этилган тепаликка сув чиқарди ва боғдаги дарахт, гулларни ўз оқими билан сугорилишига имкон яратди.

Бобур боғи ўз номи билан шу кунгача жаҳонга машҳур. Бобурнинг қабри бир неча марта таъмирланган. Биринчи даъфа Шох Жаҳон буюк боболари дафн этилган сағана ва масжидни, боғни қайтадан таъмирлаб, сайёҳлар зиёрат қиладиган масканга

айлантирган.

Дунёнинг барча китъаларидан бу табаррук кадамжого ташриф буюрган давлат раҳбарлари, олиму фузалолар, оддий саёхлар ушбу даргоҳни зиёрат қилмасдан, донишманд олим, султон Заҳириддин Муҳаммад Бобурга таъзим бажо этмасдан кетмайдилар.

Бобурнинг бунёдкорлик фаолияти ҳам худди Соҳибқирон Амир Темур каби фарзандларга меърос бўлиб қолди.

Асрлардан бери бутун жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган Лал Қалъадаги Тоғ Маҳал ёдгорлиги Шох Жаҳон даврида қурилган бўлиб, бунга 28 йил Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг атоқли минглаб уста-меъморларининг хизматлари сингган. Ушбу бинода барча мақсадларга мўлжалланган қурилмалар бўлиб, унинг ичидаги ҳаммом алоҳида ўринни эгаллайди. Ўаройиб томони шундаки, ҳаммом битта шам билан иситилган. Олимлар бу сирни очиш учун кўп йиллар мобайнида таҳлил ўтқазиб, ҳаммом қозонхонасининг тепа қисми, атрофи, деворлари симметрик равишда бўлган ёруғликни ўзига қабул қилиб, уни иссиқлик энергиясига айлантириб берадиган қучли қувватга эга бўлган ойнаванд линза мосламаларидан ташкил топганлигини, линзаларнинг жойлаштирилишидаги мутаносиблик ҳатто бир миллиметрга ҳам фарқ қилмаслигини аниқлаганлар. Ўруғлик тўққиз қарра бўйича синиб тушиб, геометрик прогрессия шаклида тўққиз марта тўққиз қарра тўққизга қўпайтириш қувватига эга бўлган, битта шамнинг ёруғлиги натижасида 80-1000 С иссиқлик даражасини берган.

Инглизлар Хиндистонни истило қилган даврларда бу сирни очиш мақсадида ушбу ойналарни ва гишталарни алоҳида-алоҳида ажратиб олганлар, натижада қайта жойига қўйилганда иситиш қуввати йўқолган ва ўз ҳолига қайтмаган.

Бобурийлар замонида Лал Қалъада подшоҳлар оиласи таом ейдиган маҳсус ошхона бўлган. Таом тайёрлаш, дастурхонга тортиш ва истеъмол қилиш ўзига ҳос усулда амалга оширилганлиги ҳақида ҳам ажойиб маълумотлар бор. Бобуршоҳ ҳазратлари ва ул зотнинг зурриёдлари хиндларнинг урф-одатларига эҳтиром билан қараган ҳолда, маҳаллий халқ учун муқаддас бўлган қорамол гўшти ва бошқа ибодатга қиритилган ўсимликлардан таом тайёрлашни таъқиқлаганлар, бу эса бобурийзодаларга нисбатан хинд халқининг ҳурматини оширган.

Таомни форсийзабон ошпаз қизу аёллар пиширган, дас-турхонга тортиш вазифаси хинд қизларига топширилган. Подшоҳ оиласи дастурхонидаги ҳар бир таомларни олдин туркий қизлар татиб қўрган. Бу билан Бобуршоҳ ўз тасарруфидаги барча миллатларга ҳурмат-эҳтиромини билдирган. Бу ҳислат Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларидан авлодларига мерос сифатида ўтиб келганлигини сарой ёзувчилари бир неча бор ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар.

**Абдулло Олим,
“Маърифат” газетасидан олинди**

